*Ҳаққевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил 18 март ШАНБА

№ 23-24 (12971-72)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат дастурларини амалга ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида аҳолига давлат томонидан кафолатли бепул тиббий ёрдам беришни таъминлайдиган шошилинч кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими ташкил этилди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, унинг ҳудудий филиаллари, шунингдек, марказий туман ва шаҳар касалхоналари ҳузурида шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари, шу жумладан, тез тиббий ёрдам ва санитария авиацияси хизмати ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасаларини юқори технологик тиббиёт ускуналари ва ихтисослаштирилган автотранспорт билан жиҳозлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ҳар йили 600 минг нафардан ортиқ беморни шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасаларида стационарда даволашни, 1 миллион нафардан ортиқ беморга амбулаторияда тиббий ёрдам беришни таъминлаш, тез тиббий ёрдам хизмати томонидан бир йилда 7 миллиондан ортиқ чақириқни бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Шу билан бирга, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги ҳали замонавий талабларга жавоб бермайди, тез тиббий ёрдам хизматларининг малакали кадрлар, дори воситалари, тиббиёт ускунаси, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланганлиги даражаси етарли эмаслигича қолмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг замонавий механизмларини, шунингдек, шошилинч тиббиёт соҳасида маҳаллий илмий-амалий ишланмаларни жорий этишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Шошилинч тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, технологиклиги ва самарадорлигини тубдан кучайтиришга, аҳолига ўз вақтида малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш, илмий-методик ва таълим ишларининг бутун комплексини энг юқори даражада ташкил этишга йўналтирилган аҳолига шошилинч тиббий ёрдам бериш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрлар билан бутланган шошилинч тиббий ёрдам беришнинг замонавий, юқори технологик ва самарали тизимини шакллантириш;

шошилинч тиббиёт соҳасида илмий, методологик ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ушбу мақсадларда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда тез тиббий ёрдамнинг республика хизматлари фаолиятига илғор технологияларни ва иш услубларини жорий этиш;

шошилинч тиббий ёрдам тизимида аҳоли орасида ўлим ва ногиронликни пасайтиришга йўналтирилган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини, диагностика воситалари ва усулларини, бирламчи тиббий-санитария ёрдамни ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни даволашни кенг қўллаш;

шошилинч тиббиёт соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш усуллари ва технологияларини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш асосида шошилинч тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилинч хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлигининг самарали механизмларини жорий этиш;

шошилинч тиббий ёрдам соҳасида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## 2017 ЙИЛ 18 МАРТ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2017 ЙИЛ 20 МАРТ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ Наврўз байрамининг юртимиз маънавий ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

2017 йил 18 март шанба дам олиш куни 2017 йил 20 март душанба кунига кўчирилсин ва иш куни деб ҳисоблансин;

2017 йил 20 март душанба куни дам олиш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 март

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2017 йил 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлади.*

Олий даражадаги учрашув ва музокараларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари муҳокама қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг нуфузли делегациялари иштирокида қўшма бизнес-форум ўтказилиши кўзда тутилган.

Ташриф якунлари бўйича давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро бир қатор муҳим ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган салмоқли тижорий шартномалар имзоланиши режалаштирилган.



*Бекобод шаҳридаги "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти нафақат вилоятимиз, балки мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан биридир. Юртимиз оғир саноатининг етакчиларидан бўлган мазкур жамиятда иш сифати ва унумдорлигини ошириш, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатли ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш, мавжуд цехларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янгиларини ишга тушириш каби истиқболли лойиҳалар рўёбига алоҳида эътибор қаратилаётир.*

## «ЎЗМЕТКОМБИНАТ»: ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН САЛОҲИЯТ

Кейинги йилларда комбинатда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, бир неча цехлар таъмирланди. Сим ва электрод ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, чиқиндиларни қайта ишлаш цехида янги технологик линия ишга туширилди. Пўлат эритиш цехи қозони, ҳаво ва газ қувурлари ускуналари янгиланди. Электрда пўлат эритиш цехининг учинчи узлуксиз пўлат қуйиш, унга комплекс ишлов бериш қурилмаларини реконструкция қилиш якунланди. Металлга вакуум остида ишлов бериш технологик қурилмаси ўрнатилди. Битта янги цех ташкил этилиб, иссиқликни ўтказмайдиган материалларнинг янги авлоди – базальт негизида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Италия технологияси ўрнатилган ушбу цехда айни кунда суткасига 30 тонна турли ўлчамдаги минерал вата, плита каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Қурилиш, нефть-кимё, ва энергетика соҳаларида кенг фойдаланиладиган цех товарлари қисқа муддатда ички бозорда ўз харидорларини топди. Яқин вақт ичида Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.

Бир юз эллик нафардан зиёд ишчи-хизматчи уч сменада меҳнат қилаётган мазкур цехнинг ташкил этилиши иссиқлик ўтказмайдиган материаллар импортини қисқартириш имконини бериб, валюта тежашга хизмат қилаётир.

Комбинатга жойлардан етказиб берилаётган хомашё – қора металл парчалари ва чиқиндилари электрда пўлат эритиш цехида қуюлмага айлантирилаётир. Бир кеча-кундузда ўртача 2 минг тоннага яқин шундай маҳсулот тайёрланмоқда.

Корхонада қурилишда кўп ишлатиладиган пўлатдан тайёрланган турли ўлчам ва шаклдаги маҳсулотлар, сим ва тиканли симлар, диаметри 40 дан 120 миллиметргача бўлган пўлат золдирлар, мис ва латун ленталар, кўп турдаги замонавий уй-рўзғор буюмлари ҳамда хўжалик моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Давоми 3-бетда.

Шукуҳ

## АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ҚАДРИЯТ

### ёхуд одамлар яйрайдиган байрам

NAVRO`Z 2017

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида Наврўзга шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи сифатида таъриф берилган.*

Ҳақиқатан ҳам, Наврўз – табиат байрами. Чунки бир йилда кун ва туннинг ўзаро нисбати билан боғлиқ тўртта нуқта бўлса, шунинг биринчиси – Наврўз. Бу кун билан туннинг ўзаро тенг келган маҳалини нишонлашдан келиб чиққан. 21 мартда айнан бир кеча-кундузнинг нақд 12 соати – ёруғ, қолган 12 соати – қоронғи бўлади.

Аждодларимиз янги йилни айнан шу кундан ҳисоблашган. Шунга ҳам камида тўрт минг йил бўлибди.

Наврўздан эътиборан энди кун узайиб, тун қисқариб боради. Бу жараён июнь ойининг учинчи ўн кунлиги бошига қадар давом этиб, унда кун – энг узун, тун – энг қисқа бўлиб қолади.

Сентябрь ойининг учинчи ўн кунлиги бошига бориб яна кун билан тун тенглашади. Бунинг Наврўздан фарқи шундаки, энди ҳар куни тун узайиб, кун қисқариб боради.

Декабрь ойининг учинчи ўн кунлиги бошида тун энг узун ва кун энг қисқа бўлади.

Наврўз байрами одамларни табиат билан уйғун яшашга ундайди. Ҳар ким ўз юртининг табиатига меҳр қўяди. Она замин табиатига меҳр эса Ватанга муҳаббатни янада мустаҳкамлайди. Табиат уйғонишини, янги йилнинг киришини бунчалар тантана билан нишонлаш киши кайфиятини кўтариб, яшашга иштиёқини, завқини оширади, ҳаётга муносабатини фаоллаштиради, яратувчилик ишқини жўш урдиради.

Наврўз ана шундай қудратга эга байрам!

Давоми 4-бетда.



*Янгиланиш ва яшариш айёми бўлган Наврўзнинг миллий қадриятларимиз, меҳр-оқибат, саховат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқиёс.*

## АЁЛЛАРГА АЙЁМ ТУҲФАСИ

Бу байрам ўзининг яратувчилик ва бунёдкорлик нафаси билан ҳам ҳаётимиз безагига айланган. Зотан, Наврўз байрами муносабати билан шаҳар ва туманларимизда, қишлоқларимизда кўплаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.

Хусусан, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳридаги "Марказий" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Бегойим" номли янги савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Маҳаллий тадбиркор Дилфуза Юсуфаҳмедова ташаббуси билан бунёд этилган мажмуа турли ёшдаги хотин-қизлар учун мўлжалланган.

Барча қулайликларга эга мазкур мажмуада спорт зали, сузиш ҳавзаси, шунингдек, озиқ-овқат дўкони, гўзаллик салони ҳамда замонавий қаҳвахона мавжуд. Бу ерда 17 та янги иш ўрни яратилди. Ходимларнинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этаётгани ҳам эътиборга молик.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ЎҚУВЧИЛАР НИГОҲИДА

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

*Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейида "Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда таълим ва тарбиянинг аҳамияти" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиклари, Тошкент Давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

Семинарда Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган Дастурда келгуси беш йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш механизмлари белгилаб берилганлиги, бу эса ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама уйғун ва жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, барча соҳани модернизация қилиш ва эркинлаштиришдек буюк мақсадларга хизмат қилиши таъкидланди.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси Дастури мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшларга етказиш мақсадида илм-фан намояндалари касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларга бириктирилди. Бундай учрашув ва мулоқотлар ўқувчи-ёшларнинг келажагини тўғри белгилаш ва ўз олдига қўйган мақсадларига эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Саидаҳрор Ғуломовнинг "Илм-фан ютуқлари таълим ва тарбиянинг муҳим омилидир" мавзуидаги маърузаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Олим ўз чиқишида Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини ҳаётий мисоллар орқали батафсил тушунтириб берди.

Семинар давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Ўз мухбиримиз.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг тезкорликнинг замонавий жаҳон талабларига, юқори технологиклиги ва самарадорлигига мувофиқ кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдам хизматини ўз ичига оладиган ягона ташкилий тузилмасини ташкил этиш;

тез тиббий ёрдамнинг кўчма бригадалари фаолиятини тезкорлик билан мувофиқлаштиришни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг шошилинч хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайдиган маълумотлар узатишнинг ягона базасини ва тармоғини ташкил этган ҳолда шошилинч тиббий ёрдамни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш;

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг ҳудудий филиалларининг маълумотларни узатишнинг ягона тармоғига бирлаштирилган ҳамда республиканинг барча ҳудуди бўйича тез тиббий ёрдам чақириқларини қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматларини ташкил этиш;

2017-2020 йилларда 240 та объектни мукаммал таъмирлаш ва 369 та объектни жорий таъмирлаш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати бинолари ва хоналарининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш;

тез тиббий ёрдам кўчма бригадаларини тасдиқланган нормативларга мувофиқ дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан босқичма-босқич таъминлаш, шу жумладан, ушбу мақсадлар учун 2017 йилда молиялаштириш ҳажмини камида 2 баравар кўпайтириш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тез тиббий ёрдам кўчма бригадаларини Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг ҳудудий филиаллари орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан марказлаштирилган тартибда таъминлаш;

2017 йилда 1200 та ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари сотиб олиш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати, шу жумладан, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг автопаркини янгилаш;

2017 йил 1 апрелдан бошлаб тез тиббий ёрдам хизматининг ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларига техник ва сервис хизмати кўрсатишни уларни тегишли ҳудудий ихтисослаштирилган автобазага бериш йўли билан ҳудудий даражада марказлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) деб қайта номлансин.

4. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган, юқори технологик шошилинч, тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш;

тезкорликнинг замонавий жаҳон талабларига, юқори технологик ва самарадорликка мувофиқ бўлган шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати тизими фаолиятига ташкилий-методик ва амалий раҳбарлик қилиш;

шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини, унинг бирламчи тиббий ёрдам тизими билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, аҳолининг ногиронлиги ва ўлимини пасайтириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

янги, самарали технологияларни яратиш, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар диагностикаси ва даволашнинг устувор йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш;

шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг шифокорларини ва ўрта тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

етакчи хорижий ихтисослаштирилган ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш, тажриба алмашиш, шошилинч тиббиёт соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб бориш.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод шаҳарчасидаги 5-уй манзилида жойлашган Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази негизида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказини Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалига айлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни белгиланган тартибда таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Фармон билан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази тўғрисидаги низомни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

2017 йил 1 июлгача бўлган муддатда Марказнинг ва унинг ҳудудий филиалларининг мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Марказнинг ва унинг ҳудудий филиалларининг мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари 2019 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг шошилинч хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмлари жорий этилишини таъминласин;

2017 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тез тиббий ёрдам станциясини унинг туманлардаги кичик станциялари билан биргаликда юридик шахс мақомини сақлаб қолган ҳолда таркибий бўлинма сифатида Марказга берсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

"Соғлиқни сақлаш" тармоғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Тез тиббий ёрдам станцияси ва унинг туманлардаги кичик станциялари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Марказнинг Тез тиббий ёрдам станциясига автотранспорт хизмати кўрсатиш "Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси" давлат корхонаси томонидан таъминланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари эҳтиёжлари учун олиб келинадиган технологик ва телекоммуникация ускунаси, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва дастурий таъминлаш 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда божхона тўловларидан озод қилинсин (божхона йиғимлари бундан мустасно).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 март

Бошланиши 1-бетда.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва етук авлодни вояга етказишни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда юртимиз тиббиёт муассасаларида энг илғор ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир маърузаси ва нутқида, турли учрашувларда халқимизни рози қилиш учун, энг аввало, унинг сифатли тиббий хизматга бўлган талабини қондириш ниҳоятда зарурлигини доимо таъкидлаб келмоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган учрашувлари ҳам тизимдаги мавжуд ҳолатни чуқур танқидий таҳлил қилиб, йиғилиб қолган масалаларни самарали ҳал этиш йўлида муҳим қадам бўлди. Бу борада, айниқса, мамлакатимизда қабул қилинган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида ўрин тутмоқда.

Ҳозирги вақтда бу тизим Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошидаги бўлимлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги тез тиббий ёрдам хизмати станциялари ва санитар авиация хизматини ўз ичига олади. Энг асосийси, соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида шошилинч тиббий ёрдам тизимида йилига 600 минг нафардан зиёд беморга юқори малакали стационар ва 1 миллион нафардан ортиқ беморга амбулатор ёрдам ҳамда 7 миллиондан зиёд чақириқлар бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда соҳада зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган бир қатор муаммо ва масалалар ҳам борки, у аниқ чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Авваламбор, шошилинч тиббиёт соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, моддий-техника базани мустаҳкамлаш, илмий ишланмаларни ривожлантириш, малакали кадрлар, дори воситалари, тиббий ускуналар, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланиш даражасини яхшилаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу эса тез тиббий ёрдам фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг амалдаги тизимини қайта кўриб чиқиш, шошилинч тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилашга доир тезкор чоралар кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мазкур тизимни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш, тез тиббий ёрдам хизматининг сифат ва самарадорлигини ошириш, шошилинч тиббий ёрдам соҳасидаги илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Фармонда, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам тизимида замонавий илмий-техникавий ютуқлар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилинч хизматлари билан тезкор ҳамкорлигини таъминлаш бўйича замонавий механизмларни татбиқ қилиш, кадрларни тайёрлаш борасида илғор усулларни жорий этиш кўзда тутилган.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, деб қайта номланди ва Марказнинг асосий вазифалари белгиланди.

Хусусан, аҳолига бепул асосда малакали ихтисослаштирилган, юқори технологияли шошилинч, тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий хизмат кўрсатиш, самарадорлиги бўйича жаҳон талабларига мос келадиган шошилинч тиббий ёрдам тизимининг фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларнинг профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволаш бўйича янги, самарали технологияларни яратиш, хорижий турдош ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш каби йўналишлар Марказнинг асосий вазифалари сифатида қайд этилди. Бундан ташқари, Марказ шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида фан ва илмий тадқиқотлар ривожланишининг устувор йўналишларини шакллантириш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ва илғор технологияларни яратиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришни, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими учун илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни ҳам мувофиқлаштириб боради.

Фармонда таъкидланганидек, 2017 йилнинг 1 июлигача ягона маълумотлар базаси ва маълумотларни узатиш тармоғини яратган ҳолда, тез тиббий ёрдам бригадаларининг фаолиятини тезкор бошқариш ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи Марказ ва унинг ҳудудий филиалларининг мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади. Чунки, тез тиббий ёрдам фаолиятида диспетчерлик хизматларини яхшилаш, унинг кечаю кундуз самарали ишлашини таъминлаш бугунги кун талабидир. Шу муносабат билан 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритувчи мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари жорий қилинади.

Ушбу хизмат фаолиятида кузатилаётган камчиликларга тизимда автотранспорт воситалари билан боғлиқ масалалар ҳам сабаб бўлаётгани кўпчиликка маълум. Эндиликда Марказнинг Тез тиббий ёрдам станцияларига автотранспорт хизматини кўрсатиш "Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси" давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Бу эса автотранспорт воситаларининг ҳар доим соз ҳолатда бўлишини ва керакли манзилга ўз вақтида етиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Айни вақтда кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида шошилинч тиббий ёрдам хизмати муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тизимнинг транспорт паркини бойитиш учун давлат бюджети ва бошқа маблағлар ҳисобидан 1200 та тез тиббий ёрдам автомобили харид қилинадиган бўлди.

Тажрибадан маълумки, замонавий технологияларни амалиётга жорий этиш тиббий хизмат сифатини бир неча баробар яхшилаш имконини яратади. Фармонда ушбу йўналишда имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда 2020 йилнинг 31 декабригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича Мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари эҳтиёжларини таъминлаш учун олиб кирилаётган юқори технологияли ва телекоммуникация жиҳозлари, бутловчи қисмлар, эҳтиёт қисмлар ва дастурий таъминотни божхона тўловларидан озод этиш белгиланди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Фармонга кўра, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази базасида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали ташкил этилади. Агар шу вақтгача ушбу ҳудудда бундай тиббий муассаса мавжуд бўлмаганини назарда тутадиган бўлсак, бу янгилик вилоят аҳолиси саломатлигини сақлаш борасида қандай катта аҳамият касб этишини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Яна бир янгилик – шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тез тиббий ёрдам станцияси унинг туманлардаги кичик станциялари билан бирга, юридик шахс мақомини сақлаган ҳолда, таркибий бўлинма сифатида Марказга берилиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг мазкур Фармонида кўзда тутилган эътибор ва берилаётган имтиёзлар, соҳа учун ажратилаётган замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда уларнинг ноёб технологик имкониятлари тизим мутахассислари олиб бораётган илмий изланишларнинг савиясини юксак даражада ошириш, шошилинч ҳолатларда диагностика ва даволашнинг янги истиқболли усулларини ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва амалиётга татбиқ қилиш имкониятларини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, даволаш жараёнининг самарасини оширибгина қолмай, стационар даволаш муддатларини ва бунинг натижасида сарф-харажатларни ҳам кескин камайтириши шубҳасиз. Бундан ташқари, ушбу Фармон Марказнинг барча филиалини энг юксак мезонларга жавоб берадиган тиббий аппаратлар, хусусан, юрак ва қон-томирларнинг ультратовуш допплерографияси, замонавий ангиографик тузилмаси, мультиспирал компьютер томография ва магнит-резонанс томограф аппаратлари билан тўлиқ таъминлаши учун имконият яратади.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Фармон ҳамда у билан тасдиқланган ҳуқуқий ҳужжатлар шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги босқичга кўтариш, соҳада илмий-тадқиқот фаолияти кўламини кенгайтириш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, инсон манфаатлари, халқимиз фаровонлиги ҳақида сўз борар экан, бу масалалар доимо давлатимизнинг эътибор марказида бўлиб қолади. Ана шу эзгу мақсадларнинг мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида рўёбга чиқарилиши эса янада аҳамиятлидир.

## Вилоят ҳаёти

### БАЙРАМ МУБОРАК, АСКАРЛАР!

*Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги ҳарбий қисмда яшариш ва янгиланиш айёмига бағишланган "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.*

Вилоят маънавият тарғибот маркази ходимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, элимиз ардоғидаги санъаткорлар ҳамда вилоятимиздан ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар иштирок этган тадбир очиқ ва самимий мулоқот тарзида ўтиб, йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби ҳарбий қисмимизда ҳам Наврўз байрами кўтаринки руҳда ўтказилмоқда, – дейди қибрайлик оддий аскар Даврон Усмонов. – Тадбир барча сафдош дўстларимиз қатори мен учун ҳам ҳарбий хизматдан унутилмас эсдалик бўлиб қолади.

Санъаткорларнинг дўстлик, она юрт, баҳорни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари даврага ўзгача файз бағишлади. Шунингдек, тадбир доирасида аскарлар учун энг сара бадиий китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

**Абдулазиз МУСАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.*



### ФОНДНИНГ НАВБАТДАГИ ТАШАББУСИ

*"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Янгийўл тумани бўлими томонидан Наврўз байрами арафасида 4 нафар имконияти чекланган фуқарога ногиронлик аравачалари топширилди.*

Улардан бири А. Ортиқов номли қишлоқда яшовчи 44 ёшли Ғайрат Умаровдир.

– Байрам арафасида қилинган бундай совғадан кўнглим тоғдек кўтарилди, – дейди у.

Мазкур тадбир Наврўз том маънода меҳр-оқибат ва эзгулик байрами эканининг яна бир тасдиғи бўлди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

### КИТОБ – БЕМИННАТ УСТОЗ

*Паркент агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежида китобхонлик мавзуига бағишлаб ташкил этилган тадбир "Китоб – беминнат устоз" деб номланди.*

Коллеж ўқитувчилари, талаба-ёшлар ва ота-оналар иштирок этган анжуманда китобнинг ёшлар маънавий дунёси ва тафаккурини бойитишдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир "Китоб-капитал" масъулияти чекланган жамияти ҳомийлигида уюштирилган китоб ярмаркасига уланиб кетди. Унда жамият томонидан 250 дан ортиқ янги номдаги бадиий адабиётлар намойиш этилди. Тадбир доирасида коллеж кутубхонасига янги бадиий китоблар туҳфа этилди.

**Саодатхон МУҲИДДИНОВА.**

❑ Қарор ва ижро

# ДОРИХОНАДА МУАММО БЎЛСА, «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ЭШИТАДИ

*Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, унинг саломатлигини ишончли муҳофаза қилишга қаратилган. Бу жараёнда фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли пунктлари ва даволаш муассасаларини сифатли, хавфсиз ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш алоҳида ўрин тутади.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш, халқимизни арзон ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш тиббиёт тизимида ўтказилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадларидан биридир" мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида мазкур қарор ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар, кўзда тутилган вазифалар, аҳоли учун яратилаётган қулайликлар хусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, ушбу қарор билан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 343 номдаги дори воситалари, жумладан, 98 номдаги маҳаллий ва 201 номдаги хорижий дори маҳсулотлари, 44 хил тиббиёт буюмлари рўйхати тасдиқланди.

Мамлакатимизда маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида юртимизда атиги иккита корхона томонидан 30 га яқин дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 146 та фармацевтика корхонаси томонидан 2200 дан ортиқ дори маҳсулотлари ва тиббий буюмлар ўзимизда тайёрланаяпти.

Президентимиз соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан бўлган учрашувларда бу масалага бир неча бор тўхталиб, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаган эди.



Тан олиш керак, дорихоналарда нарх-навонинг бесабаб ошиб кетиши ҳолатлари мавжуд. Аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган ушбу салбий ҳолатларнинг олди олиниб, уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда. Мақсад – дорихоналарда ҳаётий муҳим дори воситаларини аниқ белгиланган нархларда сотилишига эришиш.

Эндиликда четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинадиган дорилар ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун 15 фоиз, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилмоқда. Яна бир янгилик шундан иборатки, тиббиётда кенг қўлланиладиган 300 дан ортиқ номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар жорий этилди.

Ўз навбатида, Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғига асосан дори маҳсулотлари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартибини қўпол равишда бузган юридик шахсларга нисбатан қатъий жазо қўллаш ва ҳатто лицензиясини бекор қилиш кўзда тутилган.

Анжуманда таъкидланганидек, истеъмолчиларда мамлакатимиздаги мавжуд дорихоналардаги дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати ва нархи билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича ҳал этилмаган муаммо, ариза, шикоят ёки таклифлар бўлса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ушбу йўналишда ташкил қилинган (0371) 242-84-16 рақамли "Ишонч телефони"га орқали мурожаат этишлари мумкин. Ҳар бир мурожаат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари томонидан қонун доирасида кўриб чиқилади ва назоратга олинади.

Шунингдек, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб республикамиздаги барча дорихоналарнинг "Истеъмолчилар бурчаги"да бўлиши мажбурий энг зарур дори воситалари ва тиббий буюмларнинг минимал, рецептсиз бериладиган дорилар рўйхати, белгиланган нархларда сотиладиган дорилар ва тиббий буюмларнинг чекланган нархлари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

❑ Партиялар ҳаётидан

## КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН АСЛ ПОЙДЕВОР

*Тошкент Давлат аграр университетида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси – фаолиятимиз дастури" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партиянинг туман кенгашлари вакиллари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари ҳамда университет талабалари иштирок этди.*

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг Фармони билан тараққиётимизнинг келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилганлиги ва унинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамияти хусусида сўз юритилди.

– Стратегияда белгиланган вазифалар тўлиқ, ўз вақтида бажарилишига эришишда аҳоли билан мулоқотлар ўтказиш, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш долзарб масаладир, – дейди партиянинг вилоят кенгаши девон раҳбари Шуҳрат Насимов. – Бу борада "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам ўз олдига кўплаб масъулиятли вазифаларни қўйган.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан талабалар мутахассислардан маълумотлар олишди.

**Лазиз ИСОҚОВ.**

❑ Семинар

## ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР

*"Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонада "Ёшларни, энг аввало касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, айниқса, қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш" лойиҳаси доирасида амалий семинар ташкил этди. Унда Оҳангарон агросаноат ва иқтисодиёт, агроиқтисодиёт, транспорт ва сервис, Нурobод энергетика ва иқтисодиёт, саноат, политехника касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.*

Семинарда сўзга чиққан тижорат банки, Савдо-саноат палатаси вакиллари мамлакатимизда тадбиркорликка катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлаб, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги коллеж битирувчиларига тушунча ва маслаҳатлар беришди.

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эълон қилинган "Оддий аҳолини тадбиркор қилиш" мақсадли дастури лойиҳаси доирасида имтиёзли фоиз ставкаларида турли микрокредитлар тақдим этилмоқда, – дейди вилоят "Микрокредитбанк" кредит бўлими бошлиғи Босит Ғуломов. – Ёш тадбиркорлар чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш, тикувчилик, ҳунармандчилик сингари исталган турдаги тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш кафолатланган. Муҳими, ёшларда аниқ мақсад, қатъият, ирода ва изланиш бўлса, пухта тузилган бизнес режа асосида иш олиб борилса, ажратилган маблағ зое кетмайди, ўз ишидан мамнуният, қониқиш ҳосил бўлади...

Семинар иштирокчиларидан Шахин Сафаров, Низом Юсуфалиев, Фотима Бойсафарова, Мафтуна Эралиева, Мирзабек Ғаниев каби ўнлаб битирувчиларнинг бизнес ғоялари мутахассислар томонидан эътироф этилди.

**С. ЭШМАТОВА.**

# «ЎЗМЕТКОМБИНАТ»: ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН САЛОҲИЯТ

– Цехимизда чойнак, лаган, тоғора, мантиқосқон каби уй-рўзғор идишларининг 46 хили тайёрланмоқда, – дейди комбинатнинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Ҳамидулло Бердиқулов. – Тайёр буюмлар шу ернинг ўзида қадоқланиб, вилоятлардаги савдо дўконларига етказиб берилади. Шунингдек, уларни Қозоғистонга экспорт қилиш билан чекланмасдан айни кунда Туркманистонга ҳам сотиш бўйича музокара олиб бораяпмиз.

Комбинатда 10 минг нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Нарзулла Жиянов шу ерлик фаол ёшлардан. У электрда пўлат эритиш цехида ишлайди.

– Мутахассислигим бўйича шаҳримизнинг йирик корхонасида меҳнат қилаётганим ва тажриба орттираётганимдан хурсандман, – дейди Нарзулла. – Юртимизда биз, ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани туфайли ҳаётда ўз ўрнимизни топмоқдамиз.

Корхона ишчиларининг 30 фоизга яқинини ёшлар ташкил этади. Улар ҳаётидан, эл-юртга нафи тегаётганидан мамнун.

"Ўзметкомбинат"да касаначиликни ривожлантириш борасида ҳам ибратга молик ишлар йўлга қўйилган. Ҳозир 186 нафар касаначи корхона билан тузилган шартнома асосида меҳнат қилмоқда.



Корхона қошида чорвачилик ва паррандачилик ҳам ривожлантирилмоқда. Олти юз бош қорамол, 45 минг бошга яқин парранда, уч юз бошдан кўпроқ қўй-қўзи парваришланмоқда.

Металлурглар самарали меҳнат қилиши, ҳордиқ чиқариши, малака ошириши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Корхонанинг "Металлург" стадиони, ёпиқ сузиш ҳавзаси, "Ёшлик" каби энг замонавий шарт-шароитларга эга спорт-соғломлаштириш иншоотларида ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандлари сузиш, футбол, волейбол, бокс, енгил атлетика каби кўплаб спорт турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Наврўз шукуҳи, баҳорий обҳаво кезиб юрган айни шу кунларда Бекободда, хусусан, "Ўзметкомбинат"да ҳам айёмга тайёргарлик кўриш, корхона атрофини ободонлаштиришга қаратилган ишлар кўлами янада кенгайди. Бу йил Наврўзни ўзгача шоду хуррамлик, улкан муваффақиятлар билан қарши олаётган металлурглар комбинат ҳудудига гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ишларини давом эттиришмоқда. Зеро, озода, обод ерда иш унуми ҳам юқори бўлади. Бундай жойдан қут-барака аримайди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.*

Бошланиши 1-бетда.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

*Инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак...*

*Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу фикрлари шу йил 9 февраль куни бўлиб ўтган ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ўртага ташланди. Худди шу йиғилишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳафтанинг пайшанба куни бутун юртимиз бўйлаб "Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни", деб эълон қилинди ва шундан буён ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори вилоятимизда ҳам кенг кўламли профилактика тадбирлари амалга оширилмоқда.*

*Мухбиримизнинг вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Бахтиёр Иброҳимов билан суҳбати мазкур жараённинг бориши ва унинг самарадорлиги хусусида кечди.*

– Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, жойлардаги барча муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўли – бу халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, халқ ичига кириш, унинг дарди ва ташвиши билан яшашдир, – деб қайд этди суҳбат ибтидосида Б. Иброҳимов. – Вилоятимизда профилактика куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда айнан шу жиҳат бош мезон бўлмоқда, десак хато бўлмайди. Хусусан, шу кунга қадар 534 та маҳаллада, 108 та касб-ҳунар коллежида, 200 дан зиёд умумтаълим мактабида учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди. Уларда 40 мингдан ортиқ аҳоли вакиллари, хусусан, ёшлар иштирок этишди. Шунингдек, ҳар пайшанба кунлари жойларда ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий ҳокимлик вакиллари томонидан сайёр қабуллар ҳам ташкиллаштирилиб, мавжуд муаммоларга жойида ечим изланмоқда ва шу тариқа ҳудудларда содир бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олди олинмоқда.

– **Демак, ижобий натижалар ҳақида ҳам гапириш мумкин...**

– Назаримизда, бунга ҳали эрта. Бироқ, дастлабки ижобий натижалар ҳам йўқ эмас. Масалан, номусга тегиш, босқинчилик, қотиллик, безорилик жиноятлари, аёллар ва вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг бир мунча камайишига эришилди. Лекин, бу ҳали қаноатланадиган натижа эмас. Негаки, биз вилоятда жиноятчилик даражасини йил якунига қадар 30 фоизга камайтиришни мақсад қилганмиз. Очиғини айтиш керак, бундай натижага эришиш учун ҳозирги саъй-ҳаракатларимизни етарли, деб бўлмайди.

– **Мумкин бўлса, фикрларингизни рақамларда ифода этсангиз...**

– Эътибор беринг, 2017 йилнинг ўтган даврида вилоятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка оид 1 минг 352 та ҳолат қайд этилди. Уларни турлар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, шундан 10 таси қотиллик, 25 таси баданга қасддан оғир тан жароҳати етказиш, 4 таси номусга тегиш, 9 таси босқинчилик, 26 таси талончилик, 441 таси ўғрилик, 141 таси фирибгарлик, 6 таси автомобилни олиб қочиш, 17 таси безорилик, 31 таси ўлим билан якунланган йўл-транспорт ҳодисаси, 112 таси гиёҳвандлик, 97 таси иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва 434 таси бошқа ҳолатлардир.

Юқорида айтганимиздек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан айрим турдаги жиноятлар бир мунча камайди. Аммо, минг афсуски, фирибгарлик ҳолатлари 17 тага, ўғирлик эса 48 тага кўпайган.

Рақамлар ўжар бўлади, дейишади. Лекин шундай бўлса ҳам, айтиш лозимки, ҳозир ҳолатларни қайд этишга муносабат тубдан ўзгарди. Масалан, профилактика тадбирлари натижасида одамларнинг





ҳуқуқий онги ошаяпти. Илгари унча-бунча ҳуқуқбузарликдан кўз юмиб ўтган одамлар энди бундай ҳолатлар ҳақида бонг уриб, ҳуқуқ-тартибот идоралари эшигига келишаяпти. Кўплаб фуқаролар алданганликлари ёки фирибгар найрангига нишон бўлганларини тушуниб, ариза билан мурожаат қилишаяпти.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси, ИИБ, солиқ ва бошқа тегишли мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қидирувда деб эълон қилинган шахсларни тўлиқ ҳисобга олиш, уларни ушлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, жазо муқаррарлигини таъминлаш борасидаги тезкор-қидирув ва суриштирув ишларини жонлантириш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Буни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилди.

Унга кўра, қидирувдаги шахсларнинг яқин қариндошлари билан учрашувлар ўтказилиб, қидирилаётган шахсларнинг ҳаракатлари квалификацияси бўйича амнистияга тушиши, уларнинг берган аризаси асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши, айрим ҳолатларда етказилган зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши тушунтириб келинмоқда.

Натижада жорий йилнинг ўтган даврида 11 нафар қидирувдагиларнинг ўзлари ҳуқуқ-тартибот идораларига келиб, уларга нисбатан якуний қарорлар қабул қилинишига эришилди.

– **Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтсак. Баъзан жойлардан фуқаролик паспортларини олиш жараёнидаги муаммолар хусусида ҳам мурожаатлар бўлиб туради. Эшитишимизча, вилоят ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда бу борада самарали тизимни татбиқ этаётган экан.**

– Дарҳақиқат, "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида"ги Низом ижросини таъминлаш борасида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаяпти. Унга асосан, фуқаролик паспортларини ўз вақтида расмийлаштирилиши ва олиниши борасидаги қонунбузилишларга барҳам бериш мақсадида ИИБ ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ишчи гуруҳ тузилиб, барча коллежларда тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Хусусан, 16 ёшга тўлганларга фуқаролик паспортларини ҳар ойнинг 20 санасида коллежларнинг ўзида тантанали равишда топшириш йўлга қўйилди.

Кўрилган чоралар натижасида 2017 йилнинг январидан июнига қадар 16 ёшга тўладиган 14 минг 76 нафар ўқувчининг рўйхати шакллантирилди. Шулардан 3 минг 621 нафарига биометрик паспортлар берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, паспорт бўлинмаларига фуқароларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўриш юзасидан тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилган.

– **Суҳбатимиз ўз-ўзидан таълим муассасаларидаги бугунги ҳолатларга кўчаяпти...**

– Бу ҳақда гапирмасликнинг асло иложи йўқ. Вилоят прокуратураси ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг январь ойида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида вилоятдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим жараёнлари талаб даражасида ташкил этилмаётганлиги, ўқувчиларнинг дарс машғулотларидаги иштироки танқидий муҳокама қилиниб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинган эди.

Шунга мувофиқ олиб борилаётган ишлар доирасида вилоятдаги барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга электрон назорат турникет тизими ўрнатилди ва интернет тармоғига уланди. Бу тизим орқали нафақат ўқувчилар, балки педагог ходимларнинг ҳам таълим муассасаларига келиб кетишини онлайн назорат қилиб туриш имкони яралди.

Шунингдек, ота-оналарга фарзандларининг хулқ-атвори, дарсларга келиб кетиши ҳамда фанларни ўзлаштиришлари ҳақида маълумот (СМС хабарномаси тарзида) бериб борилиши йўлга қўйилди. Ҳозирда ҳар бир таълим муассасасида ўқувчилар давоматини назорат ва таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилаяпти.

Эндиликда дарсга келмаган ўқувчилар рўйхати маҳаллалар кесимида кунлик тузилиб, микроучасткаларга бириктирилган педагог ходимларга тарқатилади. Ўз навбатида, улар томонидан ҳар бир ўқувчининг дарсларга қатнашмаслик сабаблари жойига чиқиб ўрганилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, фарзандининг таълим муассасасига келиб-кетиши билан иши бўлмаган, бошқача айтганда, боласи олдидаги мажбуриятларини бажармаган ота-оналарга таъсирчан чоралар кўрилиши белгиланган.

Жорий йилнинг ўтган даврида бу борада ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижасида кўпгина таълим муассасаларида ўқувчилар давоматини 60 фоиздан 90 фоизгача кўтарилишига эришилди.

– **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

*"Тошкент ҳақиқати" мухбири* ***Хуршида ТУРСУНБОЕВА*** *суҳбатлашди.*

# АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ҚАДРИЯТ

## ёхуд одамлар яйрайдиган байрам

Бошланиши 1-бетда.

Деярли барча Шарқ халқларида янги йил она табиатнинг уйғониш фасли – баҳордан бошланиши ота-боболаримизнинг табиатга биздан кўра яқинроқ бўлганидан далолат беради. Лекин машриқзамин элларнинг ҳаммасида янги йил баҳорда нишонлангани билан, кунларида фарқ бор.

Халқимиз кишиларнинг туғилган кунида ёхуд ёш тўйида: "Фалон баҳорингиз муборак бўлсин!" – дейди. Демак, ёш тушунчаси ҳам Шарқда бевосита йил боши – кўклам билан боғлаб айтилади. "Неча ёшдасиз?" – деб сўраш, афтидан, бизда кейинчалик – европаликлар таъсирида пайдо бўлган кўринади. Аслида, халқ: "Неччи ёшга кирдингиз?" – деб сўрайди. Масалан, биров: "Элликка кирдим", – деса, у одам европача ҳисоб билан қирқ тўққиз ёшда, яъни қирқ тўққизни тўлдирган бўлади. Шарқликларнинг ёшини ифодалаши ғарбликларнинг ёшини ифодалашидан фарқ қилиши масаласини тадқиқ этган фаранг туркшуноси Люис Базен шундай ёзади: "Туркий тилда ифодаланган ёшни таржима қилишда Ғарб халқлари умумий бир хатога йўл қўйди. Улар европача ёш (яъни тугалланган йил маъносидаги ёш – С. О.) тушунчасини ҳосил қилиш учун туркийда ифодаланган ёшдан бир йилни олиб ташлаш кераклигини унутди".

Олимнинг "Қадим туркий халқларда ёш концепцияси" деган муҳим тадқиқотида ёзилишича, қадим туркийлар йилнинг янгиланганини илк баҳорда ўсиб чиққан ўт-майсаларга қараб аниқлаган. "Ёш" сўзи "намлик", "кўз-ёши", "янги униб чиққан кўклик"ни билдирган. Қадим турклар кунни, Қуёшга нисбат қилиб, "кун", ойни, Ойга нисбат қилиб, "ой" деганлари каби, йилни, эрта баҳорда яшил майсаларнинг униб чиқишига нисбат бериб, "ёш" деган. Демак, "ёш" тушунчаси ҳам ўша "майса" тушунчасидан келиб чиққан.

Шундай қилиб, бугун ҳам ишлатадиганимиз – "Элликка кирдим" ифодаси: "Эллигинчи бор янги майса унганини кўраяпман", яъни, бошқача айтганда: "Эллигинчи баҳорни қарши олаяпман", – дегани. Лекин қадим турклар янги йилни баҳорнинг муайян бир кунидан ҳисобламаган: ҳар йили кўкламнинг қайси пайтга тўғри келишига қаралган. Кўклам эса, табиийки, баъзан эртароқ, баъзан эса кечроқ келади.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, бир этимологик тахминни ўртага ташлаш мумкин. Балки "яшил" сўзи ҳам "ёш" ва "йил" сўзларидан келиб чиққандир? Баҳорда майсалар униб чиқади, ёш йил бошланади. Шундан майсалар рангини халқ "ёшйил", яъни "яшил" деган бўлса, бордир. Ахир, "-ил" билан тугайдиган ранг англатувчи "қизил" деган сўз ҳам бор-ку, деган фикр кечиши мумкин хаёлингиздан. Ана шу эҳтимолимиз рост бўлса, "қизил" сўзи "қиз" ва "йил" сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган кўринади. Йил ёз бўлганда, ҳаво қизийди. Ўт-ўланлар қовжираб, яшилликдан қизиллик сари ўзгаради. Қизиш билан қизиллик ўртасида ҳам вобасталик бор. Бизда деҳқончилик ҳам бевосита Ер ва коинотнинг асрий қонуниятларига жуда мувофиқ равишда тараққий этган. Буни академик Алибек Рустамнинг "Сўз хусусида сўз" (1987) рисоласида яхши таҳлил этилган ўзбек деҳқонлари кўп ишлатадиган айрим ибора ва қарашларнинг бевосита фаслий ойлар билан боғлиқлигидан ҳам билса бўлади.

Ҳут – аждодларимиз амал қилган шамсий йилнинг сўнгги ойи. У деҳқон тараддудга тушиб қоладиган 20 февралдан бошланади. Шунинг учун: "Ҳут кирди – деҳқоннинг ичига қурт кирди", – дейилади.

Ҳамал – йилнинг биринчи ойи. У Наврўздан бошланади. "Ҳамал кирди – амал кирди", – дейди халқ.

Кекса деҳқонлар кечки экинларни, масалан, бодринг, қовун, картошка, сабзи, шолғом ва бошқаларни фақат саратоннинг ичида экиш керак, экин, ҳеч бўлмаса, бир бор саратон сувига қониши керак, деб ҳисоблайди. Саратон 22 июндан бошланади.

"Асад – экинингни ясат" (асад 23 июлдан бошланади), "Сунбулада сув тинади" (сунбула 23 августдан бошланади), "Сабзи ва турп қавс сувини ичиши керак" (қавс 22 ноябрдан бошланади) кабилар ҳам шулар жумласидан.

Ҳазрат Навоий ғазалларидан бирида шундай байтни ўқиймиз:

*Чаман сарви қолиб ҳайрон,*
*менинг сарвим қилиб жавлон,*
*Анинг шайдоси бир деҳқон,*
*мунга шайдо бари олам.*

Бу ғазалда Навоий ажиб бир маҳорат кўрсатиб, Наврўз билан бақамти ёр тимсолини чизади. Юқоридаги байтда эса: "Менинг сарвим (яъни ёрим) жавлон урганда, чаман сарви (яъни Наврўз) ҳам ҳайрон қолди, Наврўзга фақат деҳқонлар шайдо бўлган бўлса, бунга (яъни ёримга) бутун олам ошуфта", – дейди. Ғазал давомида табиатдаги Наврўз билан боғлиқ ўзгаришларга мутаносиб равишда ёр тимсоли ҳам тасвирлана боради. Ғазалда Наврўзнинг деҳқонлар ишини жонлантириб юбориши ҳам инобатга олинган.

Истиқлол йилларида Наврўз халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди, тарихда мисли кўрилмаган миқёс ва моҳият касб этди.

Аввало, у миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш ва такомиллаштириш имконини берди. Байрам шарофати билан кишилар ўртасида меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, бирдамлик, саховат, мурувват, ҳашар ва бошқа фазилатлар янада мустаҳкамланди.

Бу йил Наврўзни, асосан, халқ сайиллари тарзида нишонлаш режалаштирилаяпти. Мақсад шуки, баҳор байрамида ҳамма қатнашсин, эл-улус эмин-эркин яйрасин.

**Султонмурод ОЛИМ.**

❑ Имконият

Масофавий ўқиш – ахборот ва телекоммуникация технологиялари ҳамда техника воситаларига асосланган таълим тизими ҳисобланади. У ўқувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитларини таъминлаб, кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир.

# МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эътиборлиси, Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 3 августдаги тегишли буйруғи асосида 2010 йилдан бошлаб республикамизнинг 5 та вилоятида, жумладан, Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам, тажриба сифатида, масофадан ўқитиш орқали малака ошириш курслари ташкил этилди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологияларининг таълим жараёнига кириб келиши натижасида ўқитишнинг янги шакли – масофавий таълим вужудга келди. Ўқитишнинг бундай тизими маълум сабабларга кўра, малакасини ошириш учун таълим муассасаларига келиб таҳсил олиш имконияти бўлмаган, масалан, соғлиги, оилавий шароити билан боғлиқ муаммолари мавжуд ёки мутахассислигини ўзгартириш ниятидагилар учун ҳар тарафлама қулай ҳисобланади. Бу борада вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари томонидан ахборот, телекоммуникация технологияларига асосланган ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Яқинда бу муҳим вазифани янада кенгайтириш ва амалиётга кенг жорий этиш мақсадида "Халқ таълими ходимларининг малакасини масофавий оширишни такомиллаштириш масалалари" мавзуида ўқув семинари ташкил этилди. Унда вилоят халқ таълими ходимлари бу борада амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар бўйича фикр алмашдилар.

Масофавий малака ошириш курслари бўйича ўқув жараёни режаси ишлаб чиқилиб, курсга доир меъёрий ҳужжатлар тайёрланди. Курсларга қабул қилинган тингловчиларга йўриқнома, ўқув қўлланмалари, якка тартибдаги топшириқлар, малакавий ишларни бажариш бўйича тавсиялар етказилди.

Вилоятда ташкил этилган таълим ресурс марказлари фаолияти мониторингини ўтказиш ва улар фаолиятини янада яхшилаш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш учун изчил ҳаракатлар бошлаб юборилди. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти расмий сайти www.pedagogika.uz такомиллаштирилиб, унга ўзбек, рус ва инглиз тилларида хабарлар жойлаштирилмоқда.

Жорий йилда ҳар йилгидан фарқли равишда анъанавий малака ошириш курсларидаги гуруҳлар режасини шакллантириш (qabul.pedagogika.uz) автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилаётир.

Масофавий таълимни бошқа ўқитиш шаклларидан айри ҳолда олиб бориш мумкин эмас. Унда ҳам анъанавий ўқитиш усулларининг мақсад ва мазмунига таянилади. Лекин материалларни тақдим этиш шакли, ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўзаро мулоқоти жиҳатидан фарқ қилади. Яъни, улар ўртасидаги ҳамкорлик ахборот технологиялари асосида амалга оширилади.

**Ғофур ЭШМОНОВ,**
**вилоят масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш маркази раҳбари.**

❑ Она юрт манзаралари

# КЕЛДИ ОЧИЛАР ЧОҒЛАР...

"Ҳар фаслнинг ўз хислати бор"лиги рост-ку, бироқ баҳорнинг тароватги ва соғинчи ўзгача. Оламдаги жамики тирик жон эзгуликка, гўзалликка интилиб яшайди. Фасллар келинчаги баҳорнинг илк кунлариданоқ бутун борлиқ Яратганга шукроналар айтиб уйғонади, очилиб-сочилиб, яйраб-яшнайди...

Бошқаларни билмадим-у, мен баҳор келиши билан сўлим Бўстонлиқнинг болалигим кечган тоғу тошлари, яшнаб ётган қиру адирларига ошиқаман. Биринчи навбатда "Туятош" деб ном олган мўъжизавий маконга йўл оламан. Олис-олислардаги осмонўпар чўққилардан бошланиб, "Соз", "Алишер қўрғони", "Кенгсув", "Толибой бобонинг тоши", "Чодир тиккан", "Солинган", "Тешиктош", "Қоратош" сингари қадимий гўшалардан ошиб-тошиб келувчи тоғ дарёсини ҳам "Туятош" деб атайдилар.



Тоғлар тугаб, далалар, боғроғлар бошланиши билан ҳақиқий "Туятош"га рўпара бўламиз. Во ажаб, қияликнинг қоқ ўртасида атай тарошланиб, силлиқланиб, туя шаклига келтирилгандек улкан тош ўрнашиб қолган. Аждодлардан ўтиб келаётган ривоятларда айтилишича, гўзал Наврўз кунларида ғарбдан шарққа томон соҳибжамол келинчакни узатиб келаётган эканлар. Уларнинг ортидан қора дев таъқиб эта бошлабди. Қутулиб кетишдан умидини узган куёвтўра ёвуз куч қўлига тушгандан кўра, тошга айланиб қолишни афзал кўриб, туя устидаги келинчакни даст кўтариб, Туятошсой ёнбошидаги сўлим гўшага беркинибди. Яратганнинг амри билан шу заҳоти ҳаммалари тошга айланибдилар. Сув ёқасидаги зор қақшаб ётган тош севимли ёри висолига етолмаган куёв, унинг елкасида ҳозир ҳам барқ уриб ўсиб турган кўркам дарахт сулув келинчак эмиш!..

Бу шунчаки ғамгин бир ривоят. Аммо, ҳаётнинг бир ҳақиқати борки, инсон зоти яхшилик, гўзаллик, мардлик, қолаверса, соф муҳаббат билан тирик. Биз шу каби улуғвор фазилатларга суяниб яшаймиз, уларни қадрлаймиз, илҳом оламиз. Наврўзи олам эса завқли ҳаётимиз таянчи. Ёруғ, кўркам шу кунлар келиши билан қалбларимиз қувончга, бутун борлиғимиз куч-қудратга тўлади. Ҳамма жойда, ҳар соҳада илҳомбахш, яратувчан меҳнат бошланади, ҳаёт гуркираб кетади...

Мустақил Ватанимизнинг 2017 йили, айниқса, яхши маънода бошқача бошланди. Ҳамма соҳалардаги туб ўзгаришлар ёшу қарига баравар тетиклик, ҳушёрлик, куч-қудрат бахш этмоқда. Ким билан суҳбатлашмайлик, барчада соғлом фикру идрок уйғонган. Одамлар енг шимариб бунёдкорлик ишларига киришганлар...

Ростдан ҳам, анчайин муҳим ишлар тўпланиб қолган экан. Кетма-кет қабул қилинаётган қарору фармонларда маориф, маданият, тиббиёт, бунёдкорлик ва бошқа соҳаларда белгилаб берилган устувор вазифаларни халқимиз астойдил қўллаб-қувватлаяпти. Жойларда ташкил этилаётган мулоқотларда дил изҳорларини очиқ-ойдин баён этмоқда, таклиф ва истакларини тортинмай айтмоқда. Мана буни ҳақиқий ва самимий мулоқот деса бўлади!

Юртимиздаги ушбу кўтаринкилик Кўкламой кириб келаётгани муносабати билан янада юксалиб, бутун мамлакатда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олиб кетди. Хусусан, ўтган шанба ва якшанба кунларидаги анъанавий умумхалқ хайрия ҳашарида вилоятдошларимиз фаол иштирок этдилар.

Наврўзи олам сайиллари баҳонасида юртдошларимиз бир-бирлари билан дийдорлашадилар. Боғ ва далаларда ариқ-зовурларни тозалаб, сув йўлларини равон қиладилар. Кўча-ҳовлиларни, қабристонларни ораста-лайдилар. Беморлару қариялар, ёлғизлару ўзгалар ёрдамига муҳтожлар ҳолидан хабар оладилар. Айниқса, ёшларимизни шундай хайрли ишларга бошласак, ҳам улкан савоб, ҳам кони фойда. Наврўзи оламнинг мазмун ва моҳияти янада бойиб бораверади.

Кун сайин ёшариб, гўзаллашиб, обод бўлиб бораётган мустақил юртимизга яратиш, янгиланиш, изланиш каби эзгу саъй-ҳаракатлар ва, албатта, Наврўз каби умумхалқ байрамлари жуда-жуда ярашади.

**Асад АСИЛ.**

❑ Қатра

Дала йўли олис-олисларга ўрлаган. Баҳор ва ёз ойларида бедаю жийда гулларининг муаттар ҳиди кишига хуш кайфият бағишлайди. Вақтинг бўлса, шу йўл бўйлаб узоқ сайр қилсанг. Лекин озгина юргач, кичкина сойга дуч келасан. Сакраб ўтиш мушкул. Қолаверса, ёмғирдан сўнг атроф сирпанчиқ. Ҳафсаланг пир бўлиб, ортга қайтишингга тўғри келади. Манзилинг узоқлашади.

## ЭЗГУЛИКНИНГ ТУҒИЛИШИ

Вақт ўтиб, яна ўша йўл билан юргинг, табиат чиройига ошно бўлгинг келади.

Бораётиб кўзларингга ишонмай қоласан. Сой устига кенглиги бир қулоч тахта кўприк қурилибди, икки ёнига темир тутқич ўрнатилибди, одамларнинг узоғи яқин бўлибди. Беихтиёр кўнгилда нотаниш кишига миннатдорлик ҳиссини туясан: "Барака топ, эй инсон!"

Кўприкдан ўтиш асноси бирдан таққа тўхтайсан: "Шунча пайтдан буён ўзинг қаерда эдинг?! Нима учун шу икки-уч тахтадан иборат кўприкчани ўзинг ясамадинг?"

**Абдусаттор ҲОТАМОВ.**

# СУРАТЛАРДА БАҲОР ЖИЛОСИ

*Тошкент Фотосуратлар уйида таниқли фотограф Усмон Ҳосилнинг "Наврўз жилолари" номли фотокўргазмаси очилди. Унда муаллифнинг юртимизнинг энг гўзал гўшалари акс этган 70 га яқин фотоасарлари намойиш этилди.*

❑ Кўргазма

Сўнгги йилларда муаллифнинг ўн мингга яқин суратлари жамланиб, соҳага доир "Табиат байрамлари", "Наврўз", "Бўш вақт ва дам олиш маданияти", "Ўзбек халқ ўйинлари", "Сардор" каби ўндан ортиқ китоблари ҳам чоп этилди. Шунингдек, ижодкорнинг фотосуратлари хориж журналлари ва тўпламларида нашр қилинган. Миср, Германия, Жанубий Корея, Япония ва Эрон каби давлатларда ҳам шахсий фотокўргазмалари ташкил этилган.

Муаллифнинг ушбу кўргазмасидан, асосан, этник маданият, халқ анъаналари, Наврўз байрамига хос баҳорий кайфиятни тараннум этувчи фотосуратлар ўрин олган.



**Мусабек АБДУЛЛАЕВ.**

Реклама ўрнида



# ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Шу кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) таъсис конференциялари ўтказилаяпти.*

## Кучли фуқаролик жамияти сари

Куни кеча Ангрен шаҳрида ана шундай таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Намунали тарзда ўтказилган анжуманда вилоят мувофиқлаштирувчи Кенгаши аъзоси, вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Қаршиев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Н. Рўзиқулов, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Х. Ҳамидов, барча шаҳар ва туман ҳокимликлари ташкилий назорат гуруҳи раҳбарлари, фонднинг ҳудудий бўлинмалари бошқаруви раислари, Ангрен шаҳри ҳокимлиги, молия, ички ишлар, меҳнат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси каби давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ҳудуддаги фуқаролар йиғинларининг раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда қайд этилганидек, маҳаллалар ҳаётида янги даврни бошлаб берган Фармондаги чора-тадбирлар ижросини сўзсиз таъминлаш лозим ва бунинг учун барча мутасаддилардан алоҳида фаоллик талаб этилади.

Конференцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ангрен шаҳар кенгашини тузиш ва аъзоларини тасдиқлаш, кенгашнинг намунавий низомини муҳокама қилиш, ижро аппаратининг тузилмаси (структураси)ни тасдиқлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ангрен шаҳар кенгашининг раиси, биринчи ўринбосари, раиснинг ёшлар ишлари, диний-маърифий, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари ва Кенгаш котибини тасдиқлаш каби масалалар кўриб чиқилди.

Якунда йиғилиш қарори билан ташкил этилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ангрен шаҳар кенгаши ва унинг ижро аппарати тасдиқланди. Шунингдек, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят ташкилий конференциясига делегатлар ҳамда республика таъсис йиғилишига ишончли вакил сайланди.

Худди шундай таъсис конференциялари вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида қизғин давом этмоқда.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**

## Бизга ёзадилар

*Республикамизда болалар спортини, хусусан, унинг нафис турларини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида қизлар орасида бадиий гимнастика тобора оммалашиб бормоқда. Уларнинг мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланишлари учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўплаб замонавий ва муҳташам спорт иншоотлари бунёд этилмоқда.*

# ВАКИЛЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Яқинда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 1-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби "Ёшлик" спорт мажмуасида ана шундай мусобақалардан бири ташкил этилди. Унда пойтахтнинг Юнусобод, Яшнобод, Бектемир ҳамда вилоятимизнинг Қибрай, шунингдек, Хоразм вилоятининг Қўшкўприк туманларидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида таҳсил олаётган 2007-2012 йилларда туғилган бадиий гимнастикачилар иштирок этди.

Мусобақа давомида қибрайлик ёш вакилларимиз ўз маҳоратларини намойиш этиб, мухлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлдилар. Ҳар томонлама фаол, айни пайтда аниқлик ҳамда белгиланган қоидаларга мувофиқ хатти-ҳаракатларни амалга оширган 10 нафар ёш бадиий гимнастикачи қизларимиз юқори натижани қайд этиб, умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлишди. Тажрибали мураббий Камола Абдуҳакимовадан сабоқ олаётган вилоятимизнинг ёш гимнастикачилари айни кунларда республика чемпионатига қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

**Абдуқаюм АБДУЛЛАЕВ,**
**Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти доценти.**

## Нуқтаи назар

*Кейинги пайтларда телевидение ва босма оммавий ахборот воситаларида кўп баҳс-мунозара юритилиб, китоб ва интернетнинг имкониятлари таққосланаяпти. Бу бежиз эмас. Тўғри, бугун ҳаётимизда интернетнинг ўрни ўзига хос. Китобнинг йўриғи эса мутлақо ўзгача. Китобда табиатдаги бор сир-синоатлар, жамиятнинг ўтмиши, бугуни, келажаги, ривожланиш қонуниятлари, маданий-маънавий дунёси, одамларнинг фикр-ўйлари, орзу умидлари муҳрланган. Шунинг учун инсон йўқотганларию излаганларини китобдан топади. Шу жиҳатдан "китоб – офтоб" деган ибора обдон топиб айтилган.*

# У ҲАМОН ЗИЁ МАНБАИ...МИ?

Тарихдан маълумки, қадимда китоблар узоқ аждодларимиз томонидан тошга, суякка, пўстлоқ ва терига битилган. Далилий манбаларга қараганда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида мелодий III асрдаёқ кутубхоналар бўлган экан. Бу буюк олимларимизнинг етишиб чиқишлари учун асосий манба вазифасини ўтаган бўлса, ажабмас.

Китоб ўқиш қонимизда бор. Ҳар бир оилада мутолаага иштиёқ азалдан кучли бўлган. Шунинг учун улар юртма-юрт кезиб ўқишган, илм излашган, жаҳоншумул аҳамиятга молик кашфиётлар қилишган. Буюк бобокалонимиз Ибн Сино турли соҳага оид 450 дан ортиқ китоб ёзгани маълум. Ҳозир истеъмолда бўлган "медицина" сўзи Ибн Сино исм-шарифидан келиб чиққан. Мусо Хоразмийнинг "Ал-жабр" китоби туфайли алгебра фани вужудга келди. Беруний биринчилардан бўлиб глобусни ясади. Уммон ортида қуруқлик (Америка) мавжуд бўлиши мумкин деган илмий фаразни илк бор фанга киритди. Имом Ал-Бухорийнинг тўплаб, ёзган ҳадис китоби бутун ислом оламида машҳур.

Биз ўтган аждодларимизнинг фан оламига қандай ва қайси китоблари билан ҳисса қўшганларини санаб ўтмоқчи эмасмиз-у, барибир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Телевидение ривожланиб, каналлари кўпайиб, айниқса, интернет пайдо бўлиб, дунёни забт эта бошлагач, нафақат ёшлар, балки катталарнинг ҳам китоб ўқишга майли сусайди.

Ҳозирги ёшларимизни "китоб ўқимай қўйдилар" дея айблаш ноўрин. Уларнинг аксарияти мавжуд илмий манбалардан оқилона фойдаланиб, билимларини оширмоқдалар ва фан, маданият, спорт соҳаларидаги нуфузли халқаро танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқдалар. Бизнингча, болаларни китобга қизиқтиришни боғча ёшидан бошлаб, мактаб ва коллежларда изчил давом эттирсак, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига мустаҳкам замин яратган бўламиз.

*Кўп эртак эшитгандим,*
*Сўзлаб берарди бувим,*

деб ёзган эди оташин шоиримиз Ҳамид Олимжон. Демак, унинг китобга қизиқишига болаликда тинглаган эртаклари, кейинроқ ўқиган эртак китоблари ҳамда кексаларнинг оилада фарзандлари билан доимий мулоқоти сабаб бўлган. Шундай экан, ёшлар кўпроқ қандай китобларни ўқишлари хусусида йўл-йўриқлар бериб туриш биз, катталарнинг бурчимиздир.

Таъкидлаш жоизки, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши шу нуқтаи назардан айни вақтида ва жуда ўринли бўлди. Китобга, китобхонликка муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилгани юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, қалбларида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, китоб ўқишга қизиқишини янада ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, газета, журнал, телевидение ва радиода китобхонликни жиддий тарғибот-ташвиқот қилиш кенг йўлга қўйилаётгани фикримизнинг исботидир.

Мухтасар айтганда, китобхонлик нафақат ёшлар, балки каттаю кичикнинг доимий машғулотига айланмоғи лозим.

**Раҳмонали ЎТАНОВ,**
**Ангрен шаҳар "Қорабоғ" жоме масжиди имом-хатиби.**

# ТИНЧЛИК – ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

*Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Тинчлик ҳукмрон юртда инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиб, уларга етишиш йўлида ишонч билан ҳаракат қилади. Иқтидори, қобилият ва салоҳиятини тўла намойиш этиб, юксак марраларга эришади.*

## Агар огоҳ сен...

Пискент туманининг "Муротали" қишлоғидаги чегара, чегараолди аҳоли пунктлари ҳисобланган "Оқтом", "Тараққиёт" ва "Холиқберди" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мулоқотда ана шулар хусусида сўз юритилди.

Учрашувда мамлакатимиз сарҳадларининг мустаҳкамлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, тинчликпарвар сиёсатимизга рахна солувчи ҳаракатларнинг олдини олишда чегара ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганлиги айтилди.

Тадбирда бугунги кунда дунё ҳамжамиятида инсоният хавфсизлигига таҳдид солаётган диний экстремизм, терроризм, фундаментализм ва бошқа бузғунчи ғоялар таъсиридаги кимсаларнинг асл мақсадлари, фаолият йўналишлари, улар томонидан амалга оширилаётган хунрезликларнинг аянчли оқибатлари хусусида сўз юритилди. Зотан, бу каби иллатларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида бартараф этишда ҳудудий вакиллик органларининг, хусусан, маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини янада ошириш Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида кўзда тутилаётган асосий мақсад ва вазифалардан биридир.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга "Осойишта сарҳад барчамизники!" номли видеофильм намойиш этилди.

**Шоира ШОМАТОВА.**

# УСТА БОБОНИНГ ДАВРОНИ

### Кенжа невара

Осмон оқариб келар, бобом мени тезроқ юришга имлаб, бозорнинг гавжумроқ чеккасидан жой мўлжал қилар эди. Бозорга ҳали харидорлар келиб-келмаган, савдогарлар мол ёйиш билан банд. Мен чаққонлик билан олача, юпқагина гиламчани бобом кўрсатган жойга ёяман. Кейин бобом ортмоқлаб келган черта қопни ерга қўйиб, аввал шошмасдан пўстинини бир қоқиб олгач, даста-даста теша, кетмон, капгир, тақа, оташкурак, болта, пичоқ, чангак, зулфин ва ўроқларни олиб, хилхилига мослаб териб чиқадилар. Бу орада мен ташқарига чопаман: мотоциклимизнинг қайиғида турган сопликларни ва кичкина стулчани кўтариб, бобомнинг ёнига чўккалайман. Иш битди, энди савдони бошласак бўлади. Бобом, ўз одатича, менга нарх-навони қайталаб уқтиргач, секин бозор оралайди. Кетар чоғида айтадиган гаплари ёд бўлиб кетган: "Бўлди, энди мен бир мол-қўйни нархлаб келайин, болам. Пишиқ бўл, Довуд пирим қўлласин, омин!"...

### Катта ўғил

Ай, отамдан ўрганиб, шу ҳунарни тутдим, кам бўлмадим. Буёғи ёшим ҳам етмишни қоралаяпти. Аммо ўғилларим нима қилади? Иккаласиям уста, отни ҳуркитмай тақалайди. Лекин, устахонамиз тарқаб кетди ё уйда иш бошласамми?.. Отам темирга ишлов берган катта сандон ўртанча укамизда. Қишга яқин келаман, юртни соғиндим деб эди, келса маслаҳат қилармиз... Кеча бозор оралаб, ғалати-ғалати кетмонларга кўзим тушди. Қўлда тобланмаган, ишлов емаган юпқа темир. Ҳаммаси бир қолипда, яроқлаб турадию, деҳқончиликка ярамайди. Шуям иш бўлдию... Бурунги замонда отам – уста Мадаминжон ясаган кетмонга одамлар навбатда турар эди. Қайси бир йили Жамолиддин кетмон билан Ғулом бригадир баҳс бойлашиб, роса томоша кўрсатган эди. Тавба, уста отам ясаган кетмон илдизни қирқишига бригад ишонмаса. Ҳой, барака топгур, то эгасига етгунча саккиз марта ишлов еган кетмон илдизни кесмасинми? Ҳозиргилар буни билишмайдида... Сандонга мук тушиб, кичкина болға билан битта-битта уриб, териб чиқилган учқўрғонча кетмон қаёқдаю анави тешанусха ялтироқ матоҳ қаёқда?.. Енгил, энсизгина чопиқ кетмон, учбурчак сувчи кетмони, айлана, минг зарбда пишадиган дашт кетмонини булар нетиб билсин?.. Ота-бобоси кетмонни яроқлатиб, бий далада ёнбошлаб, завққа тўлиб ўша кетмоннинг юзасида ош суздириб емаган-да. Ерни ўпириб, илдизни қўпориб, тошни талқон қиладиган кетмон, асл деҳқоннинг яроғи қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяман ҳали...

### Ўртанча ўғил

Ҳаҳ, отам-а, отажоним-эй... "Ҳунарингни қўйма, болам, ёт элларга боришдан тийил, ризқинг қўлингда", деб бежиз айтмаган экансиз. Совуқнинг забтидан этим увишади, болаларимни соғиндим. Қай бир куни хўжайиннинг омборидан болғани сўраб олдим. Бир парча темирни ўтга тоблаб, эшикка зулфин ясадим. Ётар чоғимда зулфинни боғлаб қўяман. Йўқ, аслида бу яқин атрофда ҳеч ким йўқ, овлоқ бир жой. Лекин уйимиз, сиз ясаган зулфин эсимга тушди. Ҳозирги усталар зулфинни қўлда ясай олмайди, электр пайвандчиларнинг иши бўлиб қолган бу. Сиз эса темирни обдан қиздириб, битта зарбда уни улаб қўярдингиз. Ўша чоғларда мўъжизага ўхшаб туюлган ишни, мана, илк марта ясаб кўрдим. Ҳаммасини сиз каби бажаришга тиришдим, қисқич йўқлиги учун омбирдан фойдаландим. Омбир тутган қўлим куйса ҳам темирни қўйвормадим, маромида ўтга солиб, қиздирдим. Бир зарбда айланаси уланмагунча машқ қилдим, ота. Ахийри, уддаладим. Аммо барибир зерикаяпман. Катта сандоннинг жарангини, босқоннинг жангур-жунгур товушини қўмсабман, чоғи. Сиз билан Зокир акам алмашиниб босқон урардинглар. Мен эса болғачада босқон тушадиган жойга мўлжал бериб турардим. Онам раҳматли тушлик келтирардилар... Ҳали уйга қайтай, тағин устахонани юрғазаман, Зокиржон акам билан маслаҳат қилиб, янги жой топамиз. Ишингизни давом эттирамиз, ота...

### Кенжа ўғил ва бошқалар...

Кенжа ўғил Ғофуржон отаси ясаган учқўрғоний кетмонни елкасига осиб, далага ўрлаган. Катта боғи бор. Боғда етилган олмани кузда ғамлаб, қиши билан бозорда майдалаб сотади. Ўғли университетни тугаллаш арафасида. Ўша боғнинг даромади унга аталган... Аммо, ҳар замонда чархни юрғазиб, тиғли асбобларнинг дамини созлайди. Ҳатто, қўшни қишлоқдан қассоблар атай келиб, устазодага пичоқларини чархлатиб кетадилар...

Невара Алимардон ўқитувчи. Дам олиш кунлари ўғилларини ёнига олиб бозорга боради. Ота қадрдонлари билан гурунглашади. Қирғиз жўралари узоқ овуллардан йўқлаб келиб, отларига тақа урдирадилар. Бегонани



кўрса кўкка сапчийдиган тарлонлар, йўрға саманлар бунга жим туриб беради...

Яна бир невара Ёқубжон касб-ҳунар коллежида ишлайди. Ишлаб чиқариш устаси. Қишлоқ ёшларига ҳунар ўргатади. Уйида устачилик асбоб-анжомлари бор. Қўни-қўшнилар илтимос қилганда, сандонда темирга қунт билан ишлов бериб, мўъжиза яратади. Ҳунарининг довруғи қишлоқдан ташқарилаган. Шогирдлари коллеждаги таҳсилдан сўнг, уйига келиб иш ўрганадилар. Уста Мадаминжон бобо суюкли набирасининг ишини доимо кузатиб туради. Қолган невара-абиралар ҳам вақтинча у-бу ишларга шўнғиган эса-да, бобо касбни ташлаган эмас. Айниқса кенжа невара – Давронбек....

### Яна кенжа невара

Ҳоким яхши инсон экан. Ўқишни тамомлаб туманга кел, ўзимиздаям иш кўп дейди. Янги қурилажак устахонага жой бериш ҳақида гап очсам, эскисини суриштирса, денг. Қишлоқ стадиони ўша жойда қурилиши мўлжалланаётганини эшитиб, чунонам жаҳли чиқдики... Ҳокимнинг гапи тўғри: харажат талаб қилмайдиган, тап-тақир очиқ майдонлар турганда, тайёр устахонани бузишни нима кераги бор? Икки ҳисса чиқимку... Мен энди олға юришим керак. "Уста Мадаминжон" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари сифатида катта оиламизни бошини қовуштирсам, Исомиддин амакимни ёнимга чорласам, биргалашиб, ишни бошласак қандай соз бўларди. Бобомдан суюнчи олишим керак. "Замона зўрники, сен бола қаёқданам фирма очиб, иш бошлардинг", деб танг қотгандилар. Бобом бу замоннинг имкониятини тўлиқ билмайдилар-да. Мана, ўқишни битирар-битирмас рухсатнома қўлимда, фирма иш бошлаш арафасида, банкдан кредит олиб, янги ускуналарни олиб келишга тайёрланаяпман. Энди фақат отни тақалаб, эшикка зулфин уриб, ошпичоқ чархлаб даромад қилмаймиз, йўқ, темирдан ясаладиган неки бор, ҳаммасини ўзимизда, ўз қўлимиз билан яратамиз. Бугун бўлмаса, эртага айнан шундай қиламиз. Амакиларим, жиянларим жам бўлиб, бобо касбимизни давом эттирамиз. Ҳали "Made in Uzbekistan" белгиси билан, "Уста Мадаминжон" хусусий корхонасида яратилган энг зўр техникалар, асбоблар, уй жиҳозлари, пичоқлару кетмонлар хорижда ҳам қўлма-қўл бўлмаса, Давронбек отимни бошқа қўяман! Кетмон дейсизми, ҳа, нима, пешона тери билан дунёни тўйдираётган ўзбекнинг кетмонига харидор камми? Бу кетмонни довруғини мана, биз чиқарамиз-да!

### Журналист

Уста бобо тўқсонни қоралаб, оламдан ўтдилар. Хабарни эшитган заҳоти қишлоққа келдим. Дўстим Давронбек билан бел боғлаб, бобони сўнгги манзилга кузатдик.

Кўҳна мозоротга етти қишлоқдан одамлар келишди. Энг сўнгги паллада имом йиғилганлардан сўради:

– Халойиқ, уста Муҳаммадамин бобо қандай одам эдилар?

Икки ўғил, элликдан ошиқ невара-эвара одамларга кўз тикди. Бу кўзларда, шу лаҳзалик қарашларда падарнинг юртдаги обрўси қайта юракдан ўтди, гўё. Жамоат овоз солиб: "Уста бобо яхши одам эдилар, мингдан-минг розимиз", дер эди...

Фақат ўртанча ўғил – Исомиддин ака маъракага етиб кела олмади: нима қилсин, йўл узоқ... Эртаси куни Исомиддин акани кутиб олгани аэропортга бордик. Ёнимда турган Давронбек билан қучоқ очиб саломлашар экан, паст овозда, юрак-юракдан чиқариб битта гап айтолди: "Темирни соғиндим, Даврон, отамнинг болға уришини кўргим келди..."

Маъракалар ўтгач, Давронбек билан хайрлашдик. У нафақат бобосидан, балки устоз, ҳаммаслак, доно мураббийидан айрилганини сезиб, ич-ичидан эзилди. Кейинги ишларини, янги фирма ташкил қилганини изтироб билан ҳикоя қилиб берар экан, айниқса, орзуларини рўёбга чиқишини энди бобоси кўролмаслигидан эзилар эди. Кейинроқ, машинада шошганча сокин боғлар, пурвиқор тоғлар оралаб Тошкентга – ишхонага қайтаётганимда, дўстимнинг қўл телефонига хабар жўнатдим.

"Дўстим, уста бобонинг чин даврони энди бошланди! Сизнинг эзгу ишингиз, ҳунарни равнақ топтирмоқ аҳдингиз қутлуғ бўлсин! Сиздай устазодалар юртнинг фахри! Кўнглингизни чўктирмай, уста бобонинг ҳаққи-ҳурмати ишни баравж қилинг! Кейинги учрашувимизда янги фирманинг илк ютуқлари ҳақида ёзмоқчиман. Олға, дўстим, ортимизда кўкси тоғдай Ватанимиз, тадбиркорга камарбаста Юртбошимиз турибди..."

**Беҳзод ҚОБУЛОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 233-70-10 |
| Котибият: | 233-79-96 |
| Бўлим муҳаррирлари | 233-38-23, 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-8515. Адади 16 083. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 01.30.


«YANGIYO`L AGRO EKSPORT» MCHJ
юртимиз аҳлини
тобора яқинлашиб
келаётган
Наврўз
умумхалқ байрами билан табриклаб,
хонадонингизга қут-барака,
хотиржамлик тилайди! Бахт ва омад
ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!
Ҳаётингиз қувончу шодликларга
тўлсин, азиз юртдошлар!


«TOSHKENTGAZTA`MINOT»
unitar korxonasi kasaba uyushma qo`mitasi
қадрли юртдошларимизни
Наврўз айёми
билан чин юракдан табриклайди!
Баҳорий кайфият, эртанги кунга
ишонч ва эзгу ниятлар, оилавий
бахту саодат доимий ҳамроҳингиз бўлсин.


«HI-TECH KABEL QK» MCHJ
ҳамюртларимизни
меҳр-оқибат айёми
Наврўзи олам
билан табриклайди!
Баҳорий байрам шарофати билан
дилларимиздаги барча эзгу
орзу-тилакларимиз
рўёбга чиқсин!
Хонадонларимизга қут-барака,
оилаларимизга бахт ва
фаровонлик ёр бўлсин!


«UZ POLITEX HOLDING» MCHJ
Сиз азизларни азалий қадриятимиз кўрки
Наврўз айёми
билан чин дилдан муборакбод этади.
Қалбингиздаги барча эзгу ниятларингиз
амалга ошиб, ушбу йилда
каттадан-катта муваффақиятлар
ёр бўлишини тилайди.


«BF TEXTILE PRODUKTION» XK
ватандошларимизни миллий қадриятимиз тимсоли, меҳр-оқибат, саховат ва эзгулик рамзи бўлган
Наврўзи олам
билан қутлайди.
Баҳорнинг ташрифи, она табиатнинг уйғониши барчамизга муборак бўлсин, азизлар!


«TOP PLASTICS» MCHJ
барча юртдошларимизни
Наврўз айёми
билан самимий муборакбод этади.
Яшариш ва янгиланиш фаслининг мунаввар лаҳзаларида жисму жонингиз саломат, толеингиз баланд бўлсин!


«SAMARALI SAVDO NIYAT» MCHJ
фасллар келинчаги КЎКЛАМОЙ гўзал юртимизнинг ҳусну тароватини янада ошираётган шу кунларда азиз юртдошларимизни баҳор байрами билан табриклайди.
Наврўзи оламнинг қадамлари қутлуғ ва баракотли бўлсин!


«VIP LOGISTICS» QK
Сиз азизларни яшариш ва янгиланиш байрами –
Наврўзи олам
билан муборакбод этади!
Ишларингизга ривож, оилангизга бахт ва омад тилайди.